Шаҳар метрополитенининг барча бекатлари банк карталарини ўқийдиган махсус технологияли битта турникет билан жиҳозланган. Гап юк олиб ўтиш турникети ҳақида кетмоқда, у тўлов тизимининг белгиси туширилган алоҳида белги билан ажратилган.

PayPass тизими бўйича йўл ҳақи 31 рублга тенг.

MasterCard бўйича тўловлар "Подорожник" йўл карталарига ўхшаб амалга оширилади, бунда карта кейинги 10 минутга блокировка қилинади.

Левашовода аҳлат ёқиш заводи қурилиши лойиҳаси тўхтатилди

Санкт-Петербург Қонунчилик кенгашининг комиссияси Левашовода маиший чиқиндиларни ёқиш бўйича завод қурилишига унинг молиявий модели қайта кўриб чиқилгунча қарши чиқди, дейилади Greenpeace нинг хабарида.

Экология ва табиатдан фойдаланиш бўйича комиссиянинг аниқлик киритишича, аҳлатни термик қайта ишлаш технологияси бўйича заводнинг қурилиши қонун талабларига жавоб бермайди, "унинг атроф-муҳитга ва аҳоли соғлигига салбий таъсир кўрсатиш манбаига айланишига кафолат мавжуддир".

Лойиҳанинг вақтинчалик тўхтатилгани ҳақидаги маълумотни комиссия мажлисида иштирок этган губернатор ўринбосари Игорь Албин ТАССга тасдиқлаган.

"2014 йилнинг декабрида губернатор Георгий Полтавченко томонидан ушбу лойиҳани тўхтатиш ҳақида қарор чиқарилган. Зарур топшириқлар берилган".

Албиннинг таъкидлашича, ҳозирча заводнинг иқтисодий моделини ҳисоблаб чиқишнинг иложи йўқ, чунки ҳисоблар еврода бўлмоқда, деб хабар берган табиат ҳимоячилари.

Левашоводаги маиший чиқиндиларни қайта ишлаш заводи 2016 йилнинг охирига қуриб битирилиши режалаштирилган эди, лекин табиат ҳимоячилари қурилишга қарши чиқди. Завод қурилиши бўйича жамоат тинглови 30 декабрь куни бўлиб ўтиши лозим эди, аммо унга маъмурият залига сиғмайдиган даражада кўп одам келганлиги сабабли тинглов бўлиб ўтмади.

Петербургда "Шаҳар велосипеди" журнали чиқа бошлайди

Петербургда "Шаҳар велосипеди" интернет-нашриёти ишга туширилади. Журнал учун велосипед ҳаракати фаоллари иш олиб боради. Улар ўз нашрларини Россияда велосипед маданиятининг ривожланиши учун қизиқувчан энтузиастлар, профессионаллар ва оддий одамларга яратилган биринчи нашр сифатида тақдим этмоқчи.

1 февраль куни соат 15:00да "Миракл"да (Мошков тор кўчаси, 4) "Велосипедизация" ҳаракати вакиллари, велобрендлар ва клублар ҳамда амалдорлар иштирокида расмий тақдимот маросими бўлиб ўтади.

Жорий йилда абитуриентларни умумреспублика тестдан ўтказиш бўлиб ўтади

Таълим ва фан вазирлиги Таълимда баҳолаш ва ўқитиш методлари Маркази (ТБЎММ) билан умумреспублика тестини ўтказиш тўғрисида шартнома имзолади.

Жорий йилда ўтган йилга ўхшаб абитуриентлар асосий тест ва химия, физика, биология, математика, инглиз тили ва Қирғизистон тарихи фанларидан имтиҳон топширади.

Доллар курсининг сезиларли даражада ортиши ва умумий қимматлашишга қарамасдан тест нарҳи аввалгидай асосий ва фанлар учун 260 сом бўлиб қолади. Рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг тайёрланишлари учун брошюралар бепул тарқатилади. Эслатиб ўтамиз, мустақил тест хизмати ТБЎММ бюджет маблағларини жалб этмайди ҳамда ўз-ўзини молиялаш принциплари асосида тузилган ва фаолият юритади.

Бутун республика бўйлаб ҳар бир районда бир нечтадан бўлган 90 дан ортиқ тест олиш марказлари фаолият юритади.

Россиядаги Волоколамскда СССР қаҳрамони Д. Шопоковга ёдгорлик ўрнатилади

Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 70 йиллигини нишонлаш доирасида Россиянинг Москва областидаги Волоколамск шаҳрида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, қирғизистонлик Дуйшенкул Шопоков хотирасига ёдгорлик ўрнатилади. Бу ҳақда ҚРнинг РФдаги элчихонасида хабар берилди.

Элчихонадан хабар беришларича, 22 январь куни Волокаламск маъмурияти 22 январь куни элчихонанинг мурожаати асосида Шопоковнинг ёдгорлик бюсти ўрнатилишига рухсат берди. У Волокаламскнинг Октябрь майдонидаги хотира мажмуаси ҳудудида генерал-майор Иван Панфилов ва панфилов дивизияси офицери Бауржан Момишули бюстлари ёнига ўрнатилади.

Ёдгорликни тайёрлаш ва ўрнатиш ишларини молиялаштиришни Жокоргу Кенеш депутати Шаршенбек Абдикеримов ўзига олган.

Дуйшенбек Шопоков 1915 йилнинг 19 май кунида Чуй областининг Шалта қишлоғида туғилган. 1941 йил 16 ноябрда Москва области Волокаламск райони Дубосекова разъезди яқинида танк қирувчилари гуруҳи таркибида фашистларнинг кўплаб ҳужумларини қайтаришда иштирок этган. Ушбу жанглар давомида душманнинг 18 та танки йўқ қилинган. Ушбу жасорат тарихга 28 нафар панфиловчи қаҳрамонларнинг жасорати сифатида киритилган. Шопоков бу жангда вафот этган. 1942 йил 21 июлда эса СССР Олий Совети Президиуми қарори билан қўмондонликнинг жанговор буйруқларини намунали бажаргани ва жасорат ҳамда қаҳрамонлик кўрсатгани учун унга ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

2015 йилда Шопоков туғилганининг 100 йиллиги нишонланади.

"ТОП-50: Душанбенинг энг гўзал қиёфали одамлари" мукофоти топширилди

2015 йил 23 январь куни Hyatt Regency Dushanbe меҳмонхонасида 2014 йил якунларига кўра "Топ-50: Душанбе шаҳрининг энг гўзал қиёфали одамлари" мукофотининг тантанали топширилиши бўлиб ўтди.

Лойиҳа 2011 йилда таъсис этилган бўлиб, унинг асл ғояси ва концепцияси "Ватан" ТРКнинг бош директори Вера Кулакова-Браннеруд томонидан ишлаб чиқилган. 2014 йилда аҳолининг умуман турли хил қатламлари, касблари ва дунёқарашга эга қисми вакиллари мукофотнинг номинантлари бўлди. Бир неча ҳафта давомида ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳар бир номзодни тортишувлар ва мунозараларда мухокама қилди. Натижада Тантанали топшириш маросимидан бир неча кун аввал 50 нафар ғолибнинг исми аён бўлди. Интрига сўнгги дақиқаларгача сақланиб қолинди", - "Ховар" НИАТ корреспондентига Вера Кулакова-Браннеруд.

"Бу йили, пойтахтнинг 90 йиллиги муносабати билан биз Душанбенинг ривожланишига селиларли даражада ҳисса қўшган ва пойтахтнинг юбилейини байрам қилишда фаол иштирок этган номинантларни алоҳида ажратдик. Душанбенинг энг гўзал қиёфали одамлари қаторига ушбу лойиҳанинг ҳамкори сифатида иштирок этаётган машҳур сайт Tajikmama (www.tajikmama.tj)нинг фаоллари бўлган намунали ота-оналар ҳам кирган", - деб таъкидлади у.

Конкурсни ўтказишда ва ғолибларни тақдирлаш маросимида анъанага кўра Субхон Джалилов, Наргис Касимова, Гульнора Амиршоева каби машҳур теле ва радио-журналистлари ҳам фаол иштирок этди.

Мукофотнинг бу йилги номинантлари орасида тожик шоираси, аҳоли орасида машҳур қўшиқлар муаллифи Шоира Раҳимжон, телебошловчи Тахмина Раджабова, хунарманд Парвина Ибодова, ҳуқуқ ҳимоячиси Нигина Баҳриева ва бошқалар ҳам бор.

"Камиль" фильмининг муаллифи "Лики Евразии" телелойиҳасига таклиф этилди

Евразия телевидения ва радио Академияси президенти Валерий Рузин "Камиль" картинасининг тожик режиссёри Сафарбек Солиевга юқори баҳо берди ва фильмнинг муаллифини "Лики Евразии" халқаро телевизион лойиҳасида иштирок этишга расман таклиф қилди.

Бу ҳақда "Ховар" НИАТга Тожикистоннинг Россия Федерациясидаги расмий вакили Муҳаммад Эгамзод ҳам иштирое этди.

"Камиль" фильми ушбу лойиҳанинг барча конкурсларида иштирок этишга арзирлидир, чунки у бунинг моҳиятига тўлиқ жавоб беради" – деди В. Рузин кинолентани томоша қилгандан сўнг. Унинг таъкидлашича, "Лики Евразии" Евроосиё сарҳадларининг ривожланиши ва бирлашиши концепциясининг намоёндалари бўлган диққатга сазовор маданий воқеалар ва одамлар ҳақида сўзловчи ҳужжатли фильмларни тайёрлашни назарда тутмоқда.

Е. Рузиннинг фикрига кўра, турли хил маданиятлар халқларини бирлаштирувчи ушбу лойиҳа ижод нуқтаи назаридан қадрига баланд ҳамда жамоат аҳамиятига ҳам эгадир", - деди М. Эгамзод.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 20 январь куни Москвада, "Александр Солженицин номидаги рус ҳорижи Уйи"да Тожикистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонаси кўмагида машҳур тожик режиссёри Сафарбек Солиевнинг буюк совет режиссёри, ВГИКнинг Ўрта Осиёлик биринчи талабаси, қардош Тожикистон ва Ўзбекистон халқларининг афсонавий ўғлони Комил Ёрматовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган "Камиль" ҳужжатли фильмининг премьера намойиши ташкил этилди.

Ўзбекистон иштирокида 23-иқтисодий ва экологик форумга бағишланган биринчи тайёргарлик учрашуви бўлиб ўтди

2015 йил 26-27 январь кунлари Венада (Австрия) Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг "ЕХҲТ ҳудудида сув ресурсларини бошқариш – ҳамкорлик орқали хавфсизлик ва барқарорликни ошириш" мавзусидаги 23-иқтисодий ва экологик форумига тайёргарлик учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси Бахтиёр Абдусаматов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди. Тадбирда жами 46 мамлакат вакиллари, шулардан 5 таси Марказий Осиёдан ҳамда 16 та халқаро структуралар (ВТО, ВМО, БСТ, ФАО, ЕЭК БМТ, МАГАТЭ, ПРООН, ЮНЕП, ЭСКАТО, ЮНИСЕФ, ОЭСР, Жаҳон Банки, ОПЕК ва бошқалар), бир қатор нодавлат ташкилотлари иштирок этди.

Сув ресурсларини унумли бошқариш механизмлари ва муносабатлари, сувдан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик масалаларини ривожлантириш, сув секторида ислоҳотлар олиб боришда Европа мамлакатларининг тажрибасини ўрганиш муҳокама қилинди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбарининг маърузасида асосий диққат Ўзбекистоннинг табиатни муҳофаза қилишдаги сиёсати ва Орол денгизи ҳавзаси ҳудудида экологик ҳолатнинг яхшиланиши бўйича амалга оширилаётган чораларга қаратилди.

Euronews Тошкент ҳақида кўрсатув намойиш этишни бошлади

26 январдан бошлаб Euronews телеканали Тошкентга бағишланган янги City-Tour кўрсатувининг намойишини бошлади, деб хабар беради "Ўзбектуризм" компаниясининг матбуот хизмати.

Кўрсатув Тошкентнинг замонавий қиёфаси, тарихий бинолари, шаҳарнинг маданий ҳаёти ҳақида гапиради. Томошабинлар Буюк Ипак йўлининг бир қисми бўлган Тошкент ва Ўзбекистон пойтахтининг қадимий диққатга сазовор жойлари бўлган Хастимом майдони, Бароқхон мадрасаси, Тиллашайх масжиди ва бошқа архитектура ёдгорликлари ҳақида маълумот олади.

Камила Хаметова "Бронзали Карл"ни қўлга киритди

Тошкент циркининг артисти, ҳаво гимнастикачиси Камила Хаметова 23-26 январь кунлари Ригада бўлиб ўтган "Олтин Карл - 2015" бешинчи халқаро цирк фестивалида "Бронзали Карл"ни қўлга киритди.

Камила Хаметова "Ҳаво чамбараги" номери билан чиқиш қилди, унинг бу чиқиши ҳакамларга шу даражада ёқдики, уни ҳатто Рига циркида ишлаш учун таклиф қилишди, деб сўзлаб беришди "Газете.uz"га Ўзбек давлат циркида.

Конкурснинг гран-присини молдовалик Игорь Стинка, Раман Кавальчук ва Роман Мадихинлар "Рус таёқчаси" номери билан эгаллади. Биринчи ўриндаги "Олтин Карл" билан беларуслик Анастасия Юхименко (томошабинларга ёққанлик мукофотини ҳам у эгаллади) "Отда хула-хуп", россияликлар Иван ва Татьяна Романовалар "Диабло билан акробатика" номери ва Евгения Слепучина "Эркин арқонда эквилибр" номери учун тақдирландилар.

Одоб ва ахлоқ туркуми

Интернет тўрига илинган муслималар

Бугунги кундаги долзарб масалалардан бири - Интернет оламидаги ижтимоий тармоқларнинг одамлар ҳаётида эгаллаётган ўрнидир. Чунки, ҳозирда мавжуд бўлган тармоқлардан фойдаланмайдиган одам қолмади ҳисоб. Қанча куч, вақт ва ҳис-туйғулар мана шу бутунжаҳон ўргимчак тўрида сарф бўлаётгани ва бу нарса Ислом оламини ҳам айланиб ўтмаганини ва унда мусулмон кишилар фойдали нарсалардан кўра кўпинча беҳуда гап-сўзларга, ҳаётларига, динларига ва охиратларига ҳеч қандай нафи тегмайдиган бахс-мунозараларга аралашиб қолаётганларини, қимматли вақтларини ибодатларга сарфлаш ўрнига Интернет саҳифаларида бой бераётганларини кўриб даҳшатга тушасан.

Фото: radikal.ru

Айниқса бу тармоқларда муслима опа-сингилларимизнинг ҳам кўплиги ва улар ўзлари сезмаган ҳолда муслималар учун ножоиз бўлган, шариатга тўғри келмайдиган мулоқотлар ботқоғига ботиб бораётганларини кўриш жуда ҳам ачинарли.

“Шубҳали нарсаларни тарк этинг!” дейилган ҳадиси шарифда. Ҳозирги кунда бу насиҳатни ким эсга олиб амал қилмоқда? Ижтимоий тармоқлардаги мулоқотлар яхшими ё ёмонлигини ким ўйламоқда? Бу тармоқларнинг мақсади эзгуликка хизмат қилишми ёки ёвузликками, билиш қийин. Бир-биридан кўпайган ва турли хил хизматларни тақдим қилаётган бундай ижтимоий тармоқлардаги мулоқотлар, бугунги одамларнинг асосий мулоқот манбаига айланиб бормоқда. Ҳамма ўзини оқлаш ва ҳақиқатнинг юзига тик боқмаслик учун чиройли баҳоналар топиш билан овора. Ўз расмларини (баъзи ҳолларда бегоналар номидан кириб, ўзгаларнинг суратларидан фойдаланиш ҳоллари ҳам талайгина) тармоқ ичига жойлаштириш, биринчи қараганда оддий ва самимий бўлиб кўринган суҳбатлар... Яна бир қадам қўйса ҳаромга кетиши ... Яна биргина ҳаёл... гуноҳга йўл очилиши...

Наҳотки ҳамма ўз кучига, шайтон уларни йўлдан ура олмаслигига шунчалик ишонса! “Шубҳали нарсалардан четланинглар!” Дарҳақиқат бу гўзал насиҳатдир

Интернет олами қанчалик мафтункор ва жилвакор бўлмасин, ёлғонлардан ва бузғунчиликлардан, шубҳали нарсалардан ҳоли эмас! Унда фаолият юргизаётган ҳаммага ҳам, ҳамма гапга ҳам ишонавермаслик керак. Хўш, шундай экан, муслима аёл ёки қиз у ерда нима қилади? Кимдир “иш билан кирса керак” деб ўйлаётгандир, яна кимдир “ўзлигини намоён қилиш”, “ўзини нимагадир бағишлаш, банд қилиш учун” дейди, кимларгадир оддий мулоқотнинг ҳам етишмаслиги сабаб...

Ўз-ўзини алдашни бас қилиш керак! Мусулмон учун энг яхши иш бу - намоз ўқиш ва Қуръон тиловати, муслима аёл ўзлигини намоён қилиши,ўзини бағишлаши ва банд бўлиши лозим бўлган энг яхши жой бу - ўз оиласи ва уйи, энг яхши мулоқот эса яқинлари билан бўлган мулоқотдир!

Аёл киши компьютерга ёпишиб қолса нималар бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг. Яқинлари ва оила аъзолари бундан қанчалик аъзият чекишини ўйлаб кўринг. Болалар қаровсиз, уйлар ивирсиган, эр ишдан келишига овқат қилинмаган, кирлар ювилмаган, дазмол қилинмаган, идиш товоқлар қалашиб ётибди...

Азиз опа- сингиллар! Бошингизни монитордан бирпасга кўтаринг ва атрофга қаранг! Ҳаёт қаердадир экран ортида эмас, бу ерда, ён атрофимизда, кўз ўнгимизда кечаётир! Қанча қимматли вақтларимизни Интернетдаги бекорчи суҳбатларга, биз умрида кўрмаган “дўстларимиз”нинг ҳаётига аралашиб, бугун нима егани, қаёққа боргани, кимни ёқтириши каби бизга фойдаси бўлмаган нарсаларга, ўз кўзимиз билан кўрмаган ва бизнинг фикримиз ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайдиган қаёқдаги воқеа-ҳодисаларга билдирилган муносабатларга сарфланаётгани ҳақида фикр юритсак, биз учун муҳим ва қадрли нарсаларни нималар эвазига бой бераётганимизни билар эдик... Агар Интернет бўлмаганда Аллоҳнинг йўлида қанча-қанча савоб ишларни қилган бўлар эдик, ота-онамизнинг, турмуш ўртоғимизнинг хизматини вақтида қилишга, фарзандларимизнинг ёнларида кўпроқ бирга бўлишга улгурган ва ҳеч қачон уларнинг нигоҳларида, гап сўзларида норозиликни кўрмаган бўлармидик .. Интернетга ошно бўлган кунимиздан бошлаб, савоб ишларимиз озайдими ё кўпайдими бир ҳисоблаб кўрайлига...натижа бизни қувонтирмаслиги аниқ!

Ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон томони бўлганидай, бу ерда бир ёқлама хулоса қилиб, Интернет ҳақида фақат салбий фикр юритмоқчи эмасмиз. Унинг кишилар ҳаётида тутган ўрни, фойдалари жуда кўп. Ҳамма гап, ҳар бир нарсада меъёрни билишда, унинг фойда ва зарарлари ҳақида ўйлаб иш юритишда. Агар Интернет сизга узоқдаги яқин кишингиз билан мулоқот қилишингиз учун, ёки илм ҳосил қилишингиз учун фойдаси тегаётган бўлса, ундан фойдаланишда ҳеч қандай монелик йўқ. Лекин Сиз кунбўйи Интернетда ўтириб олиб, зиммангиздаги ҳақларни, яъни бандалик ҳаққини, оналик, фарзандлик, хотинлик, қариндошчилик, қўшничилик ва ҳоказо ҳақларини адо қилмаётган бўлсангиз, бу яхшилик аломати эмас, демак Интернет сизнинг фойдангизга эмас, зарарингизга ишлаётган экан. Қиёмат куни бизлардан бир кунда неча бора Интернетга кирганимизни эмас, қанча савоб амаллар қилганимиз сўралишини эсимиздан чиқармайлик. Интернет орқали жуда кўп савоб ишларни амалга ошираётган, диний ва дунёвий илмларни эгаллаётган, маърифат тарқатаётган муслималаримиз ҳам бор. Балки улар бу фаолиятларини Аллоҳнинг ҳаққига, оилалари, фарзандлари, яқинлари ҳақларига ҳиёнат қилмаган ҳолда олиб бораётгандирлар ва ҳамма ҳақларни адо қилганларидан сўнг қоладиган озгинагина, ўзларига аталган вақтларини ҳам, кўшни билан кимнидир ғийбат қилиб ўтиришдан кўра, Интернетда бўлса ҳам хайрли ишларни амалга оширишга сарфлаётган бундай опа-сингилларимиздан, агар ниятлари холис бўлса Аллоҳ рози бўлсин. Афсуски, бундайлар, яъни қўлига тушган ҳар қандай имкониятдан фақат Аллоҳ йўлида, динга хизмат сифатида фойдаланадиган аёлларимиз жуда кам...

Аксарият муслима аёлларимиз эса худди гиёҳвандлар гиёҳванд моддаларга қарам бўлгани каби, Интернетга қарамлик иллатига аллақачон мубтало бўлганлар ва бу жудаям афсусланарли ҳолдир. Уларнинг ижтимоий тармоқлардаги суҳбатларини кузатсангиз, ҳам кулгингиз қистайди, ҳам жаҳлингиз чиқади. Дейлик, биттаси бирон бир таом тайёрлади, дарҳол уни расмга оладида ўз саҳифасига қўяди ва “ Олинглар! Ош бўлсин!” деб ёзиб қўяди. Кейин унинг “друзья”лари буни кўрадида, ҳар бири изоҳ ёзишга тушади, “ Раҳмат илинганизга”, “ роса ширин бўпти!”, “ Қўлиз дард кўрмасин” ва ҳоказо... Биттагина расмнинг тагида 200тадан ортиқ изоҳ бўлиб кетади, аслида шунга кетган вақтни бундан фойдалироқ ишга сарфласа ҳам бўлардику! Бу муслималаримизнинг энг оддий кўринишдаги мулоқотлари. Ғалатироқлари ҳам учраб туради, муслималар хатто интернетда ўтириб олиб, бўйлари қанча, беллари неча см, ёки вазнлари қанақалиги ҳақида суҳбатлашадилар, ёки эр-хотин муносабатларини ўртоқлашадилар... уялиб кетасан одам. Бу хали ҳаммаси эмас... Қанча оилалар шу тармоқлар сабабидан бузилиб кетаётгани, неча-неча ёш қизлар тармоқ ичида фахш ишлар билан шуғулланаётгани, қанча-қанча опа-сингилларимиз ножоиз ҳаракалари билан муслима деган номга доғ туширишаётгани ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари кўпгина тармоқларда қаёқдаги ноўмалум номлар билан кираётган шахслар, саҳиҳ бўлмаган манбалардан кўчирилган ёки таржима қилинган диний маълумотларни тарқатаётганлари ва кўпинча содда, етарли диний таълим кўрмаган муслималаримизнинг ўшаларга эргашиб, фикрлари ва хатто ақидалари ҳам бузилиб бораётганининг гувоҳи бўляпмиз. Бу ҳам олдини олишимиз керак бўлган хатарлардан биридир.

Бундан буён хушёр бўлайлик! Ҳар қайсимиз, ҳар қандай ҳолатда ҳам муслима аёл эканимизни, она эканимизни, оилада ўзимизни қандай тутишимиз, жамиятдаги ўрнимиз фарзанларимиз тарбиясида қанчалик муҳим эканини, бизнинг вазифамиз виртуал оламда эмас, ҳақиқий ҳаётда зиммамизга юклатилган масъулиятни адо этиш эканлигини унутмайлик!

Агар ўша ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш шариатга зид бўлмаган ҳолатда, диний маърифатимизни оширишда, ҳаётимиз учун зарур илмларни ўрганишимизда фойдали бўлса, Интернетдан меъёрида фойдаланишни йўлга қўяйлик ва яқинларимиз, хусусан фарзандларимизга ҳам ҳар қандай нарсадан оқилона фойдаланишни ўргатайлик.

Азиза муслима опа-сингилларим, қизларим! Агар гапларим кимгадир оғир ботган бўлса узр. Ўзим ҳам сал бўлмаса шу иллат гирдобига кириб кетай деган аёл сифатида, бошимдан ўтгани учун юрагимда оғриқ билан айтяпман бу гапларни. Бу оғриқ ҳаммамизнинг беҳуда ўтган вақтларимиз, қилинмай қолган яхши амалларимиз учун ачинишдан, Интернет “тўри”га тушиб қолиб, ундан қутулолмай юрган муслималарнинг ҳолига афсуланишдан пайдо бўлган ва қалбимдан тўлиб-тошиб келаётган оғриқдир... Аллоҳим! Билиб билмай қилган хатоларимизни Ўзинг кечир! Ҳаммамизга инсоф бер ва шубҳали нарсалардан четда бўлишимизни насиб эт! Омийн!

Малоҳат Анвар

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи

Ўрта Осиелик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайер бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5% қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома езиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёҳуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати. Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

Петербург олий ўқув юртининг ўзбекистонлик талабасига ўқишни битиришга рухсат бериладими?

“Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди”га Россияга кириши номаълум сабабларга кўра таъқиқланган ўзбекистонлик талаба Одеева Селби мурожаат қилди. Фоннинг юристи Одеевага ушбу ҳолатга аниқлик кириш мақсадида ФМХБга ариза ёзишга ёрдам берди.

Фото: cache-blog.credit.com

Ўзбекистон фуқароси Одеева Селби Амандурдиевна Санкт-Петербургга илк маротаба 2011 йилнинг 3 ноябрида келган. Келишдан мақсад ўқиш эди. Олий ўқув юрти билан шартнома тузилган эди, аммо мавжуд бўлган молиявий қийинчиликлар сабабли ўқув юртидаги ўқишни қолдиришга тўғри келди. 2012 йилда Селби расмий меҳнат рухсатномасини олган ва мебель цехида тикувчи бўлиб ишлаган. 2013 йил 7 сентябрь куни Москванинг Внуково аэропортидан Қозоғистон Республикасининг Атирау шаҳрига учиб кетган. У ерда 18 кун меҳмон бўлгандан сўнг ватанига кетган. 2013 йил 14 ноябрда Селби яна Санкт-Петербургга келган, расмий равишда уч ойлик рўйхатга туришни расмийлаштирган ва уч ой давомида патент олган (олиш санаси 30.01.2014 й). 2014 йил 23 январдан “Синергия” Москва молия-саноат университетининг Петербург филиалида 2 курсга ўқишини тиклади (ташқи).

Фуқаро Одеева Петербург ҳудудида бўлиб туриш вақтида бир маротаба ҳам қонунни бузмаган ва бирон-бир ҳуқуқбузарлик қайд этилмаган. 2014 йилнинг 25 ноябрь куни патентни узайтириш учун ҳужжатларини топширди ва 2014 йил 27 ноябрь куни Санкт-Петербург ФМХБда тиббий кўрикдан ўтган. Миграция қонунчилигидаги 2015 йил 1 январдан кучга кирган ўзгартиришлар сабабли эски намунадаги патентнинг амал қилиш муҳлати узайтирилмаслиги кўрсатилганлиги сабабли Одеева С. А. Зудлик билан чегарани кесиб ўтиши лозим бўлди. 2015 йил 18 январь куни Брянск областининг Новие Юрковичи қишлоғидаги божхонада унинг Россияга 2014 йил 30 апрель қонунига мувофиқ фуқаро Одеева Россия ҳудудини уч кун мобайнида тарк этиши қонун бўйича белгилаб қўйилган.

Лекин бу қарорга Одеева Селби мутлақо рози эмас. ФМХБ СПб ва ЛО бўйича бошлиғига ёзган ўз аризасида келгани ва Россия чегараларини кесиб ўтганлиги ҳақидаги аниқ маълумотларни кўрсатган ва ФМХБ томонидан унга нисбатан ҳукм чиқарилган вақтда у РФ ҳудудида қонуний равишда бўлган. Бу ҳақда илова қилинган ҳужжатларнинг нусҳалари гувоҳлик бермоқда. У ўз аризасида ФМХБ ходимларидан чиқарилган ҳукмнинг қонунийлигини текшириб кўришларини ва унга ўқишини давом эттириш имконини беришларини сўраган ҳамда кейинчалик РФ ҳудудидан чиқиб кетишини айтган.

Азиз дўстлар! Сизларни
“ЎРТА ОСИЁЛИК МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ ФОНДИ”
иштирокчисига айланишга таклиф этамиз.

Фонд қатнашчисига айланиб сиз бутун меҳнат фаолиятингиз давомида иш жойингизда мунозарали вазиятлар юзага келганда, ҳуқуқларингиз поймол этилганда ва кутилмаган вазиятларда бепул ҳуқуқий ва юридик ёрдам олишингиз мумкин. Фонд ҳамиша ўзининг қонунга бўйсунувчи қатнашчиларини ғаразгўй шахслар ва ташкилотлар олдида ҳимоя қилади.

Батафсил маълумотларни Фонд ходимларидан қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (812) 309-73-06

ёки қуйидаги манзилга ташриф буюришингиз мумкин:
Бабушкина кўчаси 52, лит. А, пом. 27Н 10.00 дан 18.00 га қадар иш кунлари.

Хорижий фуқароларни рус тилидан имтиҳонларга тайёрлашади

Азиз муштарийлар! Сизларга шуни маълум қиламизки, 2015 йилнинг 15 январидан Санкт-Петербург шаҳри Миллатлараро муносабатлар ва миграция сиёсати Комитети хорижий фуқароларни рус тили, Росия тарихи ва қонунчилиги асослари бўйича тест синовларига комплекс тайёрлайдиган шаҳар курслари шакллантирилаётганини маълум қилади.

Курслар қуйидаги ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда: ООО Центр «Златоуст», ООО «Инвент транслейт», РОО «Центр культуры и труда», Тожик миллати диаспроасининг Санкт-Петербург ва Ленинград области бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаши.

12 январдан хорижий фуқаролар “Санкт-Петербург Миллатлар уйи” Санкт-Петербург давлат муассасасига таклиф этиладилар. Манзил: Санкт-Петербург, Моховая кўчаси, 15 уй («Чернышевская» метро бекати) Бу ерда сизлар курсларга ёзилишингиз ва суҳбатдан ўтишингиз мумкин.

Курсларга суҳбатга ёзилиш:

душанба кунлари 18.00 дан 20.00 гача;

сешанба кунлари 18.00 дан 20.00 гача;

душанба кунлари 18.00 дан 20.00 гача;

шанба кунлари 12.00 дан 14.00 гача.

Сиз қуйидаги телефонга қўнғироқ қилиб аввалдан ёзилишингиз мумкин:

8(953)143-30-09;

8 (812) 703-11-76.

Машғулотлар гуруҳлар жамланишига қараб бошланади.

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди

Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?

Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшунослар фаолият юритмоқда. Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!

Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:

- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
- ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- қарз маблағи олишда юридик маслаҳат

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:

- Рус тили машғулотлари
- Маданий хордиқ ва хайрия тадбирлари
- илмий семинарлар ва анжуманлар

ФОНД ПОМОЩИ
трудовым мигрантам из Средней Азии

Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!

Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси, 52-уй литер А, офис 27Н (Арка ёнидаги эшик, Прямой проспект орқали)

Телефон: **8 (812) 309-73-06** Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига зудлик билан юридик масалалар бўйича мутахассис ва реклама бўйича менежер (аёл киши), ҳамда «Турон» газетасига чоп этувчи муҳаррир (ўзбек тилига), газета учун рус тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан рус тилига таржимон ва газета тарқатувчи ишга таклиф этилади.

НОМЗОДЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ:

*** рус тили ва РФ қонунларини яхши билиш; * киришимли; * жамоада ишлай билиш; * самимий, одобли; * компьютерни яхши билиш.**

Керакли малакага эгалиги ҳақидаги тегишли рухсатномаларга эга бўлиши шарт.

Миграция масалалари, Фонд ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ иш тажрибасига эга бўлса, бу унинг устунлиги ҳисобланади.

Ломоносовская метро бекати.
Бабушкина кўчаси 52 уй, офис 27н.
Телефон: 309-73-06, 8 (952) 224-30-19.

ФИНАНСОВАЯ СКОРАЯ ПОМОЩЬ

Займы гражданам Узбекистана и Таджикистана от 1000 до 10 000 руб.

Қарз олинг! Ўзбекистон ва Тожикистондан келган меҳнат муҳожирлари учун 1000 дан 10 000 рублгача.

Дарёфти қарзи хурд! Барои муҳоҷирони меҳнатӣ аз Тоҷикистон ва Узбекистон. Аз 1000 то 10 000 рубли русӣ.

Тел.: 715-21-21
м. Пионерская, Богатырский пр., 7
Универсам "Перекресток"

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран» первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»
Главный редактор: Маматмуминов М. У.
Выпускающий редактор: Мария Максимычева
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин, Анна Чмерина

Дизайнер-верстальщик: Елена Завгородняя
Переводчик с русского на узбекский: Мансурбек Мирзавалиев
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, БЦ «Нева». 3 эт., офис 12, Издательский дом «Сорока». Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06. E-mail: turangazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров

Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ №1571. Газета зарегистрирована в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций, ПИ № ФС 77-57390.
Газета распространяется бесплатно.
Дата выхода в свет: по графику – 29.01.2015, фактическое – 29.01.2015
Время подписания в печать по графику – 18.00, фактическое – 18.00

«Турон» Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти
Бош муҳаррир: Маматмўминов М. У.
Чоп этувчи муҳаррир: Мария Максимычева
Дизайнер-ҳарф терувчи: Елена Завгородняя

Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Мансурбек Мирзавалиев
Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, «Нева» савдо маркази, 3 қават, офис 12, «Сорока» нашриет уйи, «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06
Газета тиражи: 15 000 нусҳада.

ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма №1571. Газета Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизматида рўйхатдан ўтган, ПИ № ФС 77-57390. Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 29.01.2015 соат 18.00, ҳақиқий вақти – 29.01.2015 соат 18.00